


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

Абдуллаев Б. Берунийнинг “Тафҳим” асари Душанбе факсимиле нашри хусусида баъзи мулоҳазалар 3
Абдухалимов Б. Формуляры по семейному праву из энциклопедии Абу Хафса ан-Насафи 12
Каримова Н. Сведения “Шуюй Чжоуцзылу” Ян Цзунцзяня по исторической географии Центральной Азии 24

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

Бобоёров Ғ., Сувонкулов М. “Турк” этнографик гуруҳи билан боғлиқ қарашларнинг назарий муаммолари..... 34
Остонов Ж. Француз шарқшунослик мактаблари ва уларнинг тадқиқот объектлари..... 48
Воҳидова К. Фарғона водийси жадидларининг газетани аҳамияти ҳақидаги мулоҳазалари 68

ҲУЖЖАТШУНОСЛИК

Мирзаева М. Шайбонийлар даври туркий ёрликлари хусусида *(Короскон саййидлари ҳужжатлари)*..... 79

ИСЛОМШУНОСЛИК

Муҳаммадаминов С. ЎзР ФА ШИда сақланаётган мўғуллар даврига оид “Фатаво ал-Кабирий” қўлёзма асари ва унинг нусхалари 96

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

Исмоилова Ж. Тарих зарварағида Тўмарис сиймоси 113

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мадалиева О. “Бадойиъ ал-бидоя” девонининг тузилиши Алишер Навоий шеърияти тарихида муҳим ҳодиса сифатида 125

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Усмонов И. ЎзР ФА ШИ фонди № 9027 қўлёзма мажмуасидаги Ҳаким Термизийга мансуб рисола ҳақида 146

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 245 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Эшонова С. Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар..... 156

ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ

Абдухалимов Б., Камолиддинов Ф. Центральная Азия и Совет сотрудничества арабских государств Залива – в меняющемся миропорядке 174

Акрамова Ш. Социально-экономическая ситуация в КНР после «Культурной революции» 184

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2024 йил 3 майдаги мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия этилди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)

Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)

Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)

Акрам Ҳабибуллаев
(АҚШ, Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Баҳтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин (Германия)
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек (Туркия)
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктамбек
Тошов Нурёғди
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
***Телефон**: (8 371) 262-54-61,*
***Факс**: (8371) 262-52-77*
***E-mail**: beruni1@academy.uz*

30.10.2024 йилда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 $^{1}/_{16}$. “Times New Roman” гарнитураси. Шартли босма табоғи 12,37. Адади 100 нусха. Буюртма рақами №:27-24. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриётида нашр этилди.

ЖАҲОН ОТИН УВАЙСИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 245 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

С. Эшонова

Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрларининг матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар

Маънавий хазинамиз бўлмиш мумтоз адабиётимизнинг асосий қисми қўлёзма матнларидан ўрин олган. Уларни тадқиқ этиш, илмий истифодага киритиш бой тарихимизнинг бизга номаълум саҳифаларини ёритишда, матн ва талқиндаги хатоларни холисона тўғрилашда манба ўлароқ хизмат қилиши билан беқиёс аҳамият касб этади.

Сир эмаски, адабий манбаларимиз илмий тадқиқи асосан чор ҳукумати ва шўролар даврида амалга оширилган. Табиийки, мазкур тадқиқотларда муайян ижодкорлар таржимаи ҳоли, мероси ҳақидаги дастлабки маълумотлар, ижодидан баъзи намуналар келтирилган. Айрим илмий ишларга эса тузум сиёсати сингдирилган ва аксарият ҳолда нохолис талқин этилган. Гарчи давлатимиз мустақил бўлганига 30 йилдан ошган бўлса ҳам, айрим ижодкорлар мероси манбалар асосида тўлиқ ўрганилмаган. Жаҳон отин Увайсий (1779–1845) ижодий мероси тадқиқида ҳам айни шу ҳолни кўриш мумкин.

Шоира адабий мероси XX асрнинг 30-йилларидан бошланган [1–90, 11–22]. Мавжуд тадқиқотлар, диссертацияларнинг асосий қисмида Увайсий шеърияти, достоннавислигининг турли қирралари ёритилган. Унинг бевосита асарлари қўлёзмаси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фондида 1837 рақами билан сақланади [14]. Мавжуд маълумотларга кўра, авлодларига шоиранинг 4 та девони мерос қолган, 2 таси дастхат бўлган, лекин улар йўқолган. Улардан кўчирилган 3 нусха эса дастлаб Андижон давлат педагогика институти (ҳозирда Андижон давлат университети) кутубхонасида сақланган, кейинчалик 1 нусхаси

йўқолган, 2 нусхаси Андижон вилоят Адабиёт ва санъат музейига (ҳозирда Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи) топширилган [13].

ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги 1837 рақамли қўлёзманинг 1*б*–94*а* саҳифаларида Увайсий девони, 98*б*–119*б* саҳифаларида “Қиссаи Имом Ҳусайн”, 120*а*–126*б* саҳифаларида “Воқеоти Муҳаммадалихон” назмий достонлари ўрин олган [10: 483].

Қўлёзмадаги Увайсий девони матни 1959 йили устоз Азиз Қаюмов ва Эътибор Ибрагимовалар томонидан, “Воқеоти Муҳаммадалихон” матни 2016 йилда ЎзР ФА Шарқшунослик институти олимлари Ҳамидулла Лутфиллаев ва Шерали Қўлдошевлар томонидан нашр этилган [12; 21]. “Қиссаи Имом Ҳусайн” ҳақида бир нечта тадқиқотлар яратилгани ҳолда тўлиқ матни эълон қилинмаган [6: 72–74]. Шоира девонининг бошқа нашрлари деярли мазкур 2 нашр матнлари асосида юзага келган [4; 7; 9; 11; 16–19].

Ҳозирда Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган Увайсий девони қўлёзма нусхалари асосида 1963 йилда Ҳ. Раззоқов, И. Қосимов, Ғ. Абдуллаев, Н. Маматовларнинг нашри амалга оширилган. Унинг сўзбошисида келтирилишича, шоира девонининг 1959 йилги нашрига кирмаган 300 дан ортиқ шеъридан 200 таси танлаб эълон қилинган [15: 10]. Бундан қўлёзмадаги 100 дан ортиқ шеър ҳали эълон қилинмаган, деган фикр келиб чиқади. Шоиранинг мазкур нашрига кирмаган айрим шеърлари мазмун-моҳияти ҳақида Д. Абдуллаева ва С. Исломованинг мақоласида маълумотлар келтирилган. Лекин уларнинг тўлиқ матни эълон қилинмаган [1: 283–285]. Бинобарин, Увайсий поэтикасини атрофлича ўрганган олима Иқболой Адизова тўғри таъкидлаганидек, шоира асарларининг йиғма ёки танқидий матнини яратиш ҳалигача амалга оширилмаган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади [3: 8]. Шу боис институт режаси асосида Увайсий девони манбаларининг илмий-танқидий матнини тузишни мақсад қилдик. Ишни шоиранинг ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги 1837 рақамли қўлёзмаси ҳамда унинг 1959 йилдаги нашри матнлари қиёсидан бошладик. Унинг дастлабки 40 варағида (80 бет) мазкур ва бошқа нашрлар кирмаган 15 та ғазалини аниқладик. Улардан *“Биҳамдиллаҳ тилимни айладим ҳамдингга ман гўё”, “Лолдур ҳамдингга тил, зоти улуғ пок Худо”, “Қайси тил бирла қилай наъти набийни ман адо”, “Эй, дилбари шўх, қадди зебо”* деб бошланувчи 4 ғазал матлаъ ва мақтаъси Дилдора Абдуллаева ва С. Исломова мақоласида таҳлилга тортилган, лекин

ғазалнинг тўлиқ матни нашри амалга оширилмаган [1: 283–284]. Шу нуқтаи назардан бу ғазалларнинг ҳам тўлиқ матни илк бора эълон қилинмоқда дейиш мумкин.

Янги аниқланган 15 та ғазал матнига эътибор қиладиган бўлсак, уларнинг барчаси диний мавзуда ёзилган. Қўлёзма матнининг шўролар даврида нашр қилинганини эътиборга оладиган бўлсак, ўша пайтда уларни чоп этиш имконсиз экани аён бўлади. Бу ғазаллар матни ҳамда Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган Увайсий девони қўлёзма нусхалари матнидаги сўзлар, мисралар, байтлар ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Уларни кейинги тадқиқотларимизда кўрсатамиз.

Ҳозирча Жаҳон Отин Увайсийнинг ЎзР ФА Шарқшунослик институтидаги 1837 рақамли қўлёзмасининг дастлабки 40 варағидан (80 бет) аниқланган ва сиёсий тузум мафкуравий таъқиқлари туфайли нашрларга киритилмаган 15 та ғазали матни илк бора эълон қилинмоқда. Албатта, бу ғазаллар шоира адабий меросини тўлдиришга хизмат қилади.

***

(1б) Биҳамдиллаҳ тилимни айладим ҳамдингга ман гўё,
Бўлуб минқори найдек бош-аёғим жумлаи аъзо.

Калисо ичраву масжиднамову дайраро юрмиш,
Насорову муғу мўмин билан юз гар юз тарсо.

Санинг зотингга ҳар тил лол экандур, деёлмас сўз,
Сифотингнинг гулин искаб, кўнгулдур булбули шайдо.

Мани расво этибдур телба кўнглум дайраро ё Раб,
Ўзунг сори талаб қил билмасун дунё ва мо фийҳо.

Сифотингни ўзунг билдурдунг, сўз дер киши гоҳо,
Вале зотингга мандиндур батар юз Буали Сино.

Жаҳон боғиға бути обёри қудратинг бирла,
Юзи гуллар, қади шамшодлар ҳам кўзлари шаҳло.

Этарсан тоғ аро кўб лаъл ила ёқутдин махзан,
Қилурсан баҳри найсон қатрасидин лулуъи лола.

Заиф жусту зору ҳазину гунгу лол эрмиш,
Увайсий қайси тил бирла десун ҳамдинг бар аъло.

***

(1б) Лолдур ҳамдингга тил зоти улуғ, пок Худо,
“Кун” дединг бўлди бу олам ҳама жон, арзу само.

Ҳама адборау дашту ҳама ҳомуну жибол,
Жаннату Кавсару лавҳу қаламу арши аъло.

(2а) Раҳматингдинки мурассаъ этибон ҳашт беҳишт,
Айладинг ҳафт тамуғни яна қаҳрингда бино.

Равшанидин сабабидин яротиб жамъи расул,
Дўст туттунг боридин хатми набинг меҳру вафо.

Амрингга машғул ўлубдурки фалак узра малак,
Лола сабзау райҳон санго дер ҳамду сано.

Лаълу ёқуту забаржаддин ўлуб маъдани сунъ,
Мин қанаъдурки садаф батнида улдур сафо.

Қудратингдин яротиб баъзини султон, ғаний,
Бирни мухлис этибон бирни ашкларда гадо.

Бирни обид била зоҳид, бирини сожидшаҳар,
Бирини ошиқ этиб жонидур дар Ҳаққа фидо.

Баъзи ширинсўз илан хушнуд этар [оъм ила хос],
Баъзи занбур каби мўминға бергай изо.

Баъзидир дард ила гирифторки баъзи ғам ила,
Баъзи явми қавш? каби, баъзи қилур оҳу наво.

Карамингдин ҳама жунбуш била сокин кўрар нур,
Қаю кун муваффақда жумла жаҳон бўлғай адо.

Санамим деб бу Увайсий тилидин ёзғон учун,
Куйдуруб сан бу муҳаббат ўтида, ё Самадо.

***

(2а) Ҳаййи қадим ҳазрати маҳбуби “лофато”,
Саттор, Раҳим, Ғафур, жами аъйю бино.

Васфи сифоти пок Аҳад лоязол эрур,
Айлар забон ҳар қаю ажноси минг сано.

Иҳёи жамъи сурату Раззоқи кулли шай,
Этти тамом қудратидин бўлдиким бино.

Хуршиду моҳи собит чархи забаржади,
Тобти нужум равнақидин зеби фарри само.

Сунъи биланки қабзаи бир тийра хокдин,
Қилди биноки қолиби Одам ул-ҳанно.

Баҳри амиқ ҳазрати Мусоға берди йўл,
Кофир элини сеҳрига аждар эди асо.

(2б) Ҳамду санойи беадад, шукри бешумор,
Ассот (?) элиға раҳбару лутфи дурур ҳудо

***

(2б) Эй, хожаи халойиқ, маҳбуби Кибриё,
Маснаднишин суффаи аълойи босафо.

Эй, саййидо, санго Тоҳа лақаб эрур,
Тафсири меҳри орази “ва-ш-шамсу ва-з-зуҳо”.

“Ва-л-лайл”нинг ишорати шабранг зулфидур,
“Ва-н-нажм” нуктаи пуршаб, меърожи анбиё.

Руҳ ул-аминки, ғошиябардоринг эрдилар,
Бир тун ароки берди санго манзили дунё.

Олам туфайли тораи зулфи муанбари,
Аҳли ҳашмки жумла эрур олдида гадо.

Фирдавс ичида ҳазрати Идрис ғамдадур,
Ҳар дам тилар висолини айлабки илтижо.

Ийсо эрурки сокини афлоки арбаъи
Гул оразини ишқида ҳар дам қилур наво

Шамсу қамарки зарраи хуршиди орази,
Шаҳлойи жоми наргису мастию мо тағо.

Бу ожиз Увайсийни навмид қилмағил,
Явм ун-нушур ичиндаки султони бовафо.

***

(2б) Қайси тил бирла қилай наъти набийни ман адо,
Улки Қуръон ичрадур васфи рух шамс уз-зуҳо.

Гоҳ Ясриб, гоҳ Батҳо узра ойдек жо этар,
Инчунин васф рухини дедилар бадр уд-дужо.

Чарх агар берса шикаст андин дуруст ўлмас таним,
Ҳар синуқ сунгаккадур онинг хаёли мўмиё.

Ҳар киши гар жаннату Кавсарни истар лек ман,
Фотима бирла Ҳадича истарам явм ул-жазо.

Наъти рамзинг донаси чун тушса қотил домиға,
На эмиш бир жону минг жоним агар бўлса фидо.

(3а) Хор бўлмакдин йўлида мўрдек бўлса таним,
Шаръини тутқучилардин, эй дило, бўлма жудо.

Шоҳ бўлса фақр мулкига қаландардек не бок,
Вайсининг бошқа кулоҳидур чу тарки мосиво.

***

(3а) Эй, дилбари шўх, қадди зебо,
Ошиқ элига айлади парво.

Ким ўзни санго муқарраб айлар,
Ҳеч бўлмағай ул ўзидин огоҳ.

Ғам бодасидин киме этар нўш,
Ваҳдат майидир анго муҳайё.

Ҳижрон аламида мубталоман,
То айлади васл умиди шайдо.

Бир кўз учи бирла айлади сайд,
Бул вахшийи мажнун ўлди расво

Оҳим била ашкими тутолмай,
Ишқингни этиб бўлар ҳувайдо.

Маҳфийлара лутф эрмиш изҳор,
Изҳорлара на диндур ихфо.

Зинда элига кўзи ду қобиз,
Мавт элиға нутқидур Масиҳо.

Бул шамъи муҳаббатини шояд,
Бергай элима ки ядди бар зиё.

Ғайр илкида кўрдум оҳу сад оҳ,
Ул кисвари турраи сувайдо.

Юмдум кўзум олам аҳлидинким,
Дийдоринга кўзни айла бино.

Ожиз сани васфингга Увайсий,
На ҳад била айласун бар аъло.

***

(3а) Етмага илкида йўқ ғайри дуодин бу гадо,
Гарчи манзур эса бордур санго бу жони фидо.

(3б) Дили дардим, ранги зардимни санго шабки демам
Туҳфа ўлғаймуйикин даргаҳинга, эй уламо.

Етса кулфат бошима аҳли замондин бу замон,
Раҳм сандиндур манго, мандин эрур санга дуо.

Лутф бобида санингдек йўқ эрур васфинг агар,
На эмиш ман туготолмаски жамъии шуаро.

Зулм занжирида побўст этибдур ло мани
Шаръи дарёсида то мамнун эрурлар фуқаро.

Ашки селобими Жайҳунида ман бўлдум ҳалок,
Гунаҳимдур манинг анго қилибман ки вафо.

Бўлса минг пора агар ҳар куни дил зарфина ғам,
Бўлди бозори ҳақиқатда анго қадри баҳо.

Орифи аҳли замон, ворис ул фахри жаҳон,
Афв қил ушбу забон рамзида гар бўлса хато.

Гар киши бошиға бу олам аро жолаи ғам,
Ёғса албатта ёғар то анга ким фазли Худо.

Эй дило, солма кудуратни ғуборин дилинга,
Ўзига қилғуси беҳуда агар қилса жафо.

Қилмағил нола Увайсий санго шоядки расул,
Маҳрум этмаски шафоатдин ўшал рўзи жафо.

Қилмағил нола Увайсийни дохили висолига,
Гарчанд мужрим қилур ул жони фидо санго.

***

(4а) Икки олам тобти, эй хуршиди нурингдин зиё,
То ҳақиқат айладинг макнуни шаръинг бар аъло.

Бўлғуси расвойи Маҳшар халқ аро маюс ҳам,
Зоҳиру ботинда ҳар ким санго қилмас иқтидо.

Даргаҳингдин ким йироқ ўлса ман андин йироқ,
Айлагайсан токи мақрубинга айлаб ошно.

Маъсият бамори (?) мунда ўлса меҳринг, эй табиб,
Бўлғуси ул рўзи маҳшар дарди исёнга даво.

Сан ўзунг бул марҳамат бобин юзумга очмасанг,
Осий жофийлар ичра йўқту мандек рўсиё.

(4б) Юз қизортиб шоду ҳуррам юрса тоатлиқ улус,
Қўймағил ғам соясида офтоби ва-з-зуҳо.

Сан карам бўстонидин лутф айласанг шафқат сутин,
Ноумид айлаб Увайсий зорға берма ийзо.

***

(4б) Жилва бирла чиқса ул сиймин бадан гулгул қабо,
Зинда аҳлин қатлу мавт аҳлиға бўлмиш жон физо.

Субҳи содиқдек ниқобидин юзин очмиш магар,
Ким тулуъ айлабду гўё офтоби ва-з-зуҳо.

Поймоли ҳоки раҳ бўлмоқлиғим таън этма эл,
Бир назарда пок этар нопокни аҳли сафо.

Қатра-қатра қон ёшим луъ-луъ лабинг ҳижронида,
Чеҳраи зардимға ранг ўлмоқға бўлмиш ошно.

Ташна ўлдум бир қадаҳ май сот манго, эй майфуруш,
Ҳар харидориға арзон этма, қиммат қил баҳо.

Танға шаръийдин хабар, жонға ҳақиқийдин асар,
Дил сўзин тил зикр этарда иккисидур можаро.

Зоҳидо, сан сажда қил бу масжидинг девориға,
Бўлди мавжуд ҳар даме Вайс анга қилди иқтидо.

***

(6а) Ҳақ йўлида барча ишдин мўътабар ҳавфу ижо,
Бу фано аҳлиғадур зеру забар ҳавфу ижо.

Эй дило, сан кимки умид илкидин тобмоқ лазиз,
Ўз синуқ зарфингда бил шаҳду шакар ҳавфу ижо.

Бу гуноҳингдур азими ёр ёлиқ тоатинг,
Бўлса хориж бўлма дафъи хайру шар ҳавфу ижо.

Ақлу фаҳминг бўлса тут, тутма умид домонини,
Охири пайванддин бергай хабар ҳавфу рижо.

Ул ҳавас бирла ҳаво ҳам орзунинг бошини,
Қилғали тандин жудо тийғу батар ҳавфу рижо.

Даҳр боғин қил тамошо, сабз ўлуб турлук шажар,
Кўз очиб кўргилки нахл босамар ҳавфу рижо.

Вайсий аъло боғида раъноға парвоз айласанг,
Сан қуши бебола бўлғай болу пар ҳавфу рижо.

***

(8а) Ёр ҳажридин неча афсона қилдим ибтидо
Дард элиға ҳар бириси бир дури қимматбаҳо.

Гар ҳақиқат рамзидин бир нукта изҳор айласам,
Кирса дил самъийға албатта таъаллуқдин жудо.

Кимки бу дунёву дундин айласа бегоналиғ,
Вожиб ул-мавжуд даргоҳиға бўлғай ошно.

Дохил ўлғон йўқ машомиға муҳаббатдин насим,
Айласа бир тора мўйи ул маломатдин або.

Эй дило, кўргунг маломат кирдида бўлса ғубор,
Мақсадинг сориға дил ойинаси бўлғай сафо.

(8б) Халқ хуйидин раво ўлмай билмағунг сиррини хўб,
Маҳруми жон ўлмаён ҳеч бўлмағай маҳрам саро.

Ўзлугунг иҳвож қилғил жисмдин, эй ҳушманд,
Айла ушнунга фано малбусини сан жо-бажо.

Ки умидинг бўлса Вайсий анда Субҳон лутфидин,
Мунда излаб васлини бўлғил эшикларда гадо.

***

(10а) Фикр айладим ушбу кун Худоё,
Васфиға тилимни айла гўё.

Эй чашми Расул, умид сандин,
Лутф этсанг ўлам бу дамда доно.

Ёдингда кўнгулга тушти оташ,
Оҳим била ушбу руқъа барпо.

Билдим сани ман муқом офоқ,
Дармондалара ўзунгсан ҳампо.

(10б) Ишқ гавҳариға бўлуб харидор,
Қилдинг мани мажнун ила савдо.

Сўз кўзгўси бўлса гар ғубори,
Лутфингда румуз ўлурму сафо.

Эй маъдани авлиёйи ашраф,
Манзур бу сўз бўлурму оё.

Ҳар қофия мисра аввалиға,
Бир ҳарф талаб ёзиб сарупо.

Вайсий сифатин ёзарда куйди,
Қўлда қалам сабаб бу даъво.

***

(20а) Манго дардингни чекмаклик эрур дилбар майи ваҳдат,
Бу ушшоқ, жафокашларға сан кўб бермагил кулфат.

Санинг чун халқ аёғи остида зору залил ўлдум,
Бошимни халқ этган Худони айлагил ҳурмат.

Манго довар ўзунгсан, раҳм этиб турғил адолатда,
Етар бул дўсти ёримдин ҳазин жонимға минг кулфат.

Тегиб атфоллар тоши, таним онча ҳалок ўлмиш,
[Қўлёзмада мазкур мисра ўрни бўш қолдирилган]

Дило, рағбат қилурдинг ҳоли аламдин сабақ олсам,
Танинг захмини устодинга сан кўб қилмағил миннат.

Ки ғуррати қолдин, ҳол илмидин бўлғай фано ҳосил,
Теккон атфол тоши бу фано аҳлиғадур давлат.

Дило, сан шиква қилма, кўб балиёт халойиқдин,
Ки кундин-кун танинг меҳнатни тошиға қилур одат.

Чекиб ҳар кунда дардинг соғаринда ғам шаробини,
Биҳамдиллаҳ, бўлубман эмди дарду ҳам била улфат.

Увайсий, ташналиғдин етти жон оғзимға, эй соқий,
Дари майхона очғил дайр пиридин олиб рухсат.

***

(20б) Ошиқ элига ёрни озори ибодат,
Маъшуқ элига лутф, шукр бори ибодат.

Афсус қилиб оҳи саҳаргоҳ қил, эй дил,
Тоатни ғамидин дил афгор ибодат.

Ул булбули шўрида ютар қон кеча-кундуз,
Тонг отқусидин иши гулзор ибодат.

Жонон юзини кўргали доим жадал этсам,
Тобқонда кўзум маън этон айёри ибодат.

Шабу рўз висолингни тилаб дилбари нозик,
Ҳажрингда кўнгул кўзгуси зангори ибодат.

Гар раҳм қилиб сарви равон ўлса ажаб йўқ,
Мандек неча расвосиға рафтори ибодат.

Баҳрим қонидин сочти кўзум, бўлди зироат,
Лола демагил ким дили хунбори ибодат.

Умид тутуб ҳимматидин йиғлар эдим ман,
Бир қатраи ашкимдур шаҳвори ибодат.

Вайсийни букун тоатидин айлама шиква,
Маъшуқ сифатин ёзмака гуфтори ибодат.

***

(20б) Ул саййиди кавнайнда Мажнун шафоат,
Уммат ғамидин бағрида пурхун шафоат.

(21а) Ҳақ сизни “ҳабибим” деди, Жибрила сўз айди,
Ҳар вақт сўзин остида мазмун шафоат.

Маҳшар сори қўйса қадамин равнақи бозор,
Чун қилса хиром ул қади мавзун шафоат.

Зоғ ул-басари бирла назар айласа ҳар ён,
Ассот эли бўлғай бори мамнун шафоат.

Изҳор этиб ташласа гисуларин ул дам,
Дўзах элига кокили афсун шафоат.

Ҳақ сўйиға қўйди қадамин Фотимам ул кун,
Айлаб кўзини ёшини Жайҳун шафоат.

Келди кўтариб ул ики шаҳзодалар эгнин,
Сабз эрди бири, то бири гулгун шафоат.

Ҳақ деди ҳабибиға "Қизинг хунидин ўтсун,
Қилсун батамом умматинг ул хун шафоат.

Вайсийни дегай умматим ул шоҳ, илоҳо,
Қилғай эди шояд мани маҳзун шафоат.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Д., Исломова С. Увайсий шеъриятининг янги аниқланган намуналари хусусида // ЎзМУ хабарлари. 2016. № 1/4. Б. 283–285.
2. Адизова И. Увайсий ижодида жанрлар такомили. Тошкент, 2011.
3. Адизова И. Увайсий шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши/ Филол. ф.д. ... дисс. Тошкент, 2000.
4. Жалолов Т. Ўзбек шоиралари. 1-китоб. Тошкент, 1970.
5. Иброҳимова Э. Увайсий. Монография. Тошкент, 1963.
6. Исломов Ҳ. Увайсийнинг «Қиссаи пурғусса» асари қўлёзмаси // Адабий мерос. 1983. №3. Б.72–74.
7. Раззоқов Ҳ., Сайдалиев А. Шоира Увайсий // Коммунист. Тошкент, 1959.
8. Рашидов Ў. Уч машҳур шоира // Шарқ юлдузи. 1957. №4. Б.83–87.
9. Рашидов Ў. Уч шоира. Тошкент, 1958.
10. Собрание восточных рукописей академии наук Республики Узбекистан/ Литература (Диваны)/ Т. II./ Подготовка к изданию и составление указателей: С. Эшонова и Дж. Джураев. Ташкент, 2023.
11. Увайсий шеъриятидан / Тузувчи: М. Қодирова. Тошкент, 1980.
12. Увайсий. Девон / Нашрга тайёрловчилар: А. Қаюмов, Э. Иброҳимова / Тошкент, 1959.
13. Увайсий. Девон. Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи қўлёзмаси, №№ 5001, 5002.
14. Увайсий. Девон. ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 1837.
15. Увайсий. Девон: Шеърлар / Нашрга таёрловчилар: Ҳ. Раззоқов, И. Қосимов, Ҳ. Абдуллаев, Н. Маметов. Тошкент, 1963.

16. Увайсий. Кўнгил гулзори / Нашрга тайёрловчилар: И. Қосимов, А. Валихонов. Тошкент, 1983.
17. Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар / Тузувчилар: А. Турдиалиев, У. Неъматов. Тошкент, 2010.
18. Увайсий. Нодира / Нашрга тайёрловчи: М. Қодирова. Тошкент, 1992.
19. Увайсий. Нодира. Ўзбек шоиралари баёзи / Тузувчи ва сўз боши муаллифи: М. Қодирова. Тошкент, 1993.
20. Чўлпон. Увайсий // Ёрқин турмуш. Тошкент, 1933. № 4–5.
21. Қўқон хонлиги тарихи назмий манбаларда (Воқеоти Муҳаммад Алихон ва Жангномаи Худоёрхоний) / Нашрга тайёрловчи: Ҳ. Лутфиллаев, Тадқиқот қисми ва изоҳлар муаллифи: Ш. Қўлдошев. Тошкент, 2016.
22. Ҳаққулов И. Увайсий шеърияти. Тошкент, 1982.

С. Эшонова

Увайсий девони қўлёзмаси ва нашрлари матний қиёсида аниқланган дастлабки янгиликлар

Мумтоз адабиётимизнинг асосий қисми қўлёзма матнлардан ўрин олган. Уларни тадқиқ этиш, илмий истифодага киритиш бой тарихимизнинг бизга номаълум саҳифаларини ёритишда, матн ва талқиндаги хатоларни холисона тўғрилашда манба ўлароқ хизмат қилиши билан беқиёс аҳамият касб этади.

Гарчи давлатимиз мустақил бўлганига 30 йилдан ошган бўлса ҳам айрим ижодкорлар мероси манбалар асосида тўлиқ ўрганилмаган. Бу ҳолат Жаҳон отин Увайсий (1779–1845) қўлёзма мероси тадқиқига ҳам тегишли. Шоира адабий мероси қўлёзма манбалари матни шўролар давридаги мафкуравий таъқиқлар туфайли тўлиқ нашр қилинмагани сабабли унинг ижоди қирралари ҳам етарли даражада ўрганилган, деб бўлмайди. Мазкур баҳсли ҳолатларга илмий ечим бериш мақсадида Увайсий адабий мероси қўлёзма нусхалари илмий-танқидий матнини яратиш режа қилинди. Унинг дастлабки қисми сифатида шоиранинг ЎзР ФА Шарқшунослик институтида № 1837 рақами билан сақланаётган девони қўлёзмаси ҳамда унинг 1959 йилдаги нашри матнлари қиёсланди.

Мақолада шоира адабий мероси қўлёзма манбалари, уларнинг нашрлари қиёсий тадқиқи натижасида аниқланган, мавжуд нашрларга киритилмаган 15 ғазалининг матни илк бора эълон қилинмоқда.

Увайсий девони қўлёзма нусхалари матнидаги сўзлар, мисралар, байтлар ўртасида фарқлар, нашрга киритилмаган бошқа шеърлари матни кейинги тадқиқотларда кўрсатилади.

Калит сўзлар: *Жаҳон отин Увайсий, девон, ғазал, достон, қўлёзма, манба, адабий мерос, илмий-танқидий матн, нашр.*

С. Эшонова

Предварительные новые данные, полученные путем сравнения текстов рукописей и изданий дивана Увайси

Письменные памятники составляют основную часть нашей классической литературы. Их изучение и научное применение имеют несравненное значение, поскольку они служат источником для освещения неизвестных страниц нашей богатой истории, объективного исправления ошибок в текстах и их интерпретации.

Хотя с момента обретения нашей страной независимости прошло уже более 30 лет, наследие некоторых писателей на основе источников до конца не изучено. Эта ситуация относится и к исследованию рукописного наследия Джахан Атина Увайси (1779–1845). В связи с тем, что текст рукописных источников литературного наследия поэтессы из-за идеологических запретов в советское время не был издан в полном объеме, нельзя сказать, что все аспекты ее творчества изучены в достаточной степени. Для научного разрешения этих спорных ситуаций планируется создание научно-критического текста рукописных списков литературного наследия Увайси. В качестве первой части будут сопоставлены тексты рукописи дивана, хранящаяся в Институте востоковедения АН РУз под номером № 1837, и ее издания 1959 года.

В результате сравнительного изучения рукописных источников литературного наследия поэтессы и их изданий в статье впервые публикуются тексты 15 газелей, не вошедших в существующие издания. Различия между словами, стихами в тексте рукописных

копий дивана Увайси, и других неопубликованных стихов будут рассмотрены в дальнейших исследованиях.

Ключевые слова: *Джахан Атин Увайси, диван, газель, эпос, рукопись, источник, литературное наследие, научно-критический текст, издание.*

S. Eshonova

Preliminary New Data Obtained by Comparing the Texts of Manuscripts and Editions of Uwaysi's Diwan

Manuscripts constitute the main part of our classical literature. Their study and scientific application are of incomparable importance, since they serve as a source for illuminating unknown pages of our rich history, objectively correcting errors in texts and interpreting them.

Although more than 30 years have passed since our country gained independence, the legacy of some writers has not been fully studied based on sources. This situation also applies to the study of the manuscript heritage of Jahan Atin Uwaysi (1779–1845). Due to the fact that the text of the manuscripts of the poetess's literary heritage was not published in full due to ideological prohibitions in Soviet times, it cannot be said that all aspects of her work have been studied to a sufficient degree. For the scientific resolution of these controversial situations, it is planned to create a scientific-critical text of the manuscripts of Uwaysi's literary heritage. As the first part, the manuscript of the Diwan, stored in the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan under No. 1837, and the texts of its 1959-year edition will be compared.

As a result of a comparative study of the manuscripts of the poetess's literary heritage and their editions, in the article will be published for the first time the texts of 15 ghazals that were not included in existing editions. The differences between the words, verses in the text of the manuscripts of Uwaysi's divan and other unpublished poems will be considered in further studies.

Keywords: *Jahan Atin Uwaysi, diwan, gazel, epic, manuscript, source, literary heritage, scientific-critical text, edition.*

Бизнинг муаллифлар

1. **Абдуллаев Ботиржон Қосимович –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
2. **Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Бобоёров Ғайбулла Боллиевич –** тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.
5. **Воҳидова Комила Абдуллозизовна** – тарих фанлари номзоди, доцент, Наманган давлат университети докторанти.
6. **Исмаилова Жаннат Ҳамидовна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурҳониддин ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло қизи –** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
11. **Муҳаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими.
12. **Остонов Жаҳонгир Давлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – Гулистон давлат университети таянч докторанти.
14. **Усмонов Иброҳим Собирович –** тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти докторанти.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек қизи** – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти бўлим мудири.

Наши авторы

1. **Абдуллаев Ботирджан Косимович –** младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Абдухалимов Бахром Абдурахимович** – доктор исторических наук, профессор, вице-президент Академии наук Республики Узбекистан, директор Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Бабаяров Гайбулла Боллиевич –** доктор исторических наук, профессор, заместитель директора Национального археологического центра Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Вохидова Комила Абдуллазизовна** – кандидат исторических наук, доцент, докторант Наманганского государственного университета.
6. **Исмаилова Жаннат Хамидовна** – доктор исторических наук, профессор, директор Государственного музея истории Узбекистан Академии наук Республики Узбекистан.
7. **Камолиддинов Фаррух Бурханиддин угли** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
8. **Каримова Наталья Эрмановна** – доктор исторических наук, профессор, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Мадалиева Ойсара Рустамовна** – доктор философии по филологии (PhD), старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

10. **Мирзаева Мафтуна Муродилло кизи –** базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Мухаммадаминов Саидакбар Абдурашидович –** кандидат исторических наук, старший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
12. **Остонов Джахонгир Давлатович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
13. **Сувонкулов Музаффар Заирович** – базовый докторант Гулистанского государственного университета.
14. **Усмонов Иброхим Собирович –** кандидат исторических наук, доцент, докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
15. **Эшонова Салимахон Нишонбек кизи** – кандидат филологических наук, заведующая отделом Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Ours authors

1. **Bahrom A. Abduhalimov –** Doctor of Science (in History), professor, vice-present of Uzbekistan Academy of Scince, Director of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
2. **Botirjon Q. Abdullaev** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
3. **Farrukh B. Kamoliddinov** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
4. **Gaybulla B. Boboyorov** – Doctor of Science (in History), professor, Deputy Director of the National Archaeological Center of Uzbekistan Academy of Scince.
5. **Ibrohim S. Usmonov –** Candidate of Historical Sciences, associate professor, DSc student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
6. **Jahongir D. Ostonov –** PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
7. **Komila A. Vohidova –** Candidate of Historical Sciences, Associate Professor, DSc student of Namangan State University.
8. **Maftuna M. Mirzayeva** – PhD student of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
9. **Muzaffar Z. Suvonkulov –** PhD student of Gulistan Satate University.
10. **Natalia E. Karimova –** Doctor of Science (in History), professor, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
11. **Oysara R. Madalieva –** PhD in Philology, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
12. **Saidakbar A. Muhammadaminov –** Candidate of Historical Sciences, Senior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.

13. **Salimakhon N. Eshonova** – Candidate of Philology Sciences, head of department of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
14. **Shoira M. Akramova** – Junior Researcher of al-Biruni Institute of Oriental Studies of Uzbekistan Academy of Scince.
15. **Zhannat Kh. Ismailova** – Doctor of Science (in History), Professor, Director of the State Museum of History of Uzbekistan of Uzbekistan Academy of Sciences.